

Янги Ўзбекистон-ҳуқуқий демократик давлат: инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, қонунчиликни янада ривожлантириш истиқболлари



Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият деб тан олинар экан, конституцияларида энг муҳим қоидалар сифатида белгиланади. Бу соҳада халқаро ҳужжатларда умумэътироф этилган тамойил ва стандартлар мавжуд.

Хусусан, 1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, 1966 йили қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва уларни муайян ҳолатларда чеклаш бўйича ҳам қоидалар акс эттирилган.

Ушбу қоидалар қонунийлик, мақсадга мувофиқлик ва зарурият тамойилларидан келиб чиқиб қўлланади. Хусусан, қонунийлик тамойили инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини фақат қонуний асосда чеклаш мумкинлигини билдиrsa, мақсадга мувофиқлик тамойили бўйича чеклашда халқнинг розилигини ифодалайди. Давлатнинг шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига аралашуви зарурият тамойили асосида амалга оширилади. Бунда шахсга етказиладиган зарар ўрнини қоплаш масаласи диққат-марказида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланиши ва ҳимоя қилиниши белгиланган бўлса ҳам, Асосий қонуннинг ўзи ҳамда қонунчилик ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга оид қоидалар мавжуд.

Бу нима учун керак ва қандай тарзда амалга оширилади?

Биринчидан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлариға зарар етказмаслик учун чекловлар ўрнатиш. Масалан, қарздорга нисбатан суд ва бошқа органларнинг хужжатлариға асосан ижро иши юритиш жараёнида ушбу органлар томонидан белгиланган чекловлар. Хусусан, Ўзбекистон Республикасидан чиқишига вақтинча чеклов жорий қилиниши ёки давлат ижрои томонидан қарздорнинг ҳисоб-варағида сақланаётган пул маблағларини хатланиши унинг ўз ҳисоб-варағидан фойдалана олмаслиги шулар жумласидандир.

Иккинчидан, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки жинойи қилмиши учун жазо сифатида белгилаш. Бу чеклашлар суд қарори ёхуд ҳукми асосида амалга оширилади. Хусусан, шахсни маъмурий қамоқقا олиш, Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш (чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади), муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (масалан, автотранспорт воситасини ҳайдаш ҳуқуқидан ёки маълум соҳада (лавозимда) ишлашдан вақтинча маҳрум қилиш чеклаш), озодликдан чеклаш ёки маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар шулар жумласидандир.

Учинчидан, давлат хавфсизлиги ва жамоат тартиботини сақлаш мақсадида қўлланиладиган чекловлар. Хусусан, пандемия эълон қилинган даврда карантин жорий этилиши муносабати билан шахсларнинг эркин ҳаракатланишининг чекланиши ёки фавқулодда вазият жорий қилинган ҳудудларда маълум вақт доирасида айрим ҳаракатларнинг чекланиши шулар жумласидандир.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олиниши, доирасининг кенг қилиб белгиланиши конституциявий қоидаларнинг тўғридан-тўғри ишлаши, Янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини тўлиқ бажарилишига хизмат қиласи.

Жиноят ишлари бўйича

Олтинсой туман судининг раиси

К.Назаров

